



**O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIV TA`LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**NAMANGAN DAVLAT UNIVERSITETI**

**“ZAMONAVIY JAHON TARIXSHUNOSLIGIDA FARG’ONA  
VODIYSI TARIXI VA MADANIYATINING YANGI  
TADQIQOTLARI HAMDA YONDASHUVLARI”  
mavzusida xalqaro ilmiy anjumani  
MATERIALLARI**



**O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIIY TA`LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR  
VAZIRLIGI  
NAMANGAN DAVLAT UNIVERSITETI**

**“ZAMONAVIY JAHON TARIXSHUNOSLIGIDA  
FARG’ONA VODIYSI TARIXI VA MADANIYATINING  
YANGI TADQIQOTLARI HAMDA YONDASHUVLARI”  
mavzusida xalqaro ilmiy anjumani  
MATERIALLARI**

**Namangan shahri  
2024-vil. 18-19-aprel**

**Foydalanilgan manba va adabiyotlar ro‘yxati:**

1. ЎзМА. И-19-жамғарма, 1-рўйхат, 34888-йиғма жилд, 20-варақ.
2. Материаль для статистической описания Ферганской области. Вып 1. - Новый Маргелан, 1887.
3. ЎзМА. И-19-жамғарма, 1-рўйхат, 34888-йиғма жилд, 12-варақ.
4. Бақара сураси. 245 оят Қурони карим маъноларининг таржимаси. –Т.: Тошкент ислом университети нашриёти,. 2001. – Б 36.
5. ЎзМА. И-19-жамғарма, 1-рўйхат, 34888-йиғма жилд, 7-варақ.
6. ЎзМА. И-19-жамғарма, 1-рўйхат, 34888-йиғма жилд, 10-варақ.
7. ЎзМА. И-1-жамғарма, 12-рўйхат, 884-йиғма жилд, 67-варақ.

**ВОДИЙДАН ВОҲАГА: СОВЕТ ҲУКУМАТИ ҚИШЛОҚ  
ХЎЖАЛИГИ МИГРАЦИЯСИ СИЁСАТИНИНГ  
НАТИЖАЛАРИ**

**Ризаев Бахтиёр Назарбоевич,**

Бухоро давлат университети, Жаҳон тарихи кафедраси доценти,  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

***Аннотация:** Ушбу мақолада совет ҳукумати томонида ўтказилган аҳолини кўчириши сиёсати натижалари тадқиқ этилган. XX асрда авж олган қишлоқ хўжалиги миграцияси сиёсати таъсирида водий район ва областларидан Бухоро воҳасига кўчирилган аҳолининг кейинги тақдири – маиший турмуши, хўжалиги, воҳа халқ хўжалиги ривожига ҳиссаси кўрсатиб берилади.*

***Калит сўзлар:** кўчириши, водий, воҳа, пахтачилик, аҳоли, режа, хўжалик.*

***Аннотация:** В данной статье рассматриваются результаты переселенческой политики, проводимой советским правительством. Под влиянием политики сельскохозяйственной миграции, усилившейся в XX веке, определилась дальнейшая судьба людей, переселенных из долинных областей в оазис Бухары - их быт, хозяйство и вклад народного хозяйства оазиса.*

**Ключевые слова:** *переселения, долина, оазис, хлопководство, население, план, хозяйство.*

**Abstract:** *This article deals with the results of the resettlement and relocation policy pursued by the Soviet government. Under the influence of the policy of agricultural migration, which intensified in the 20 th century, the further fate of people resettled from the valley regions to the oasis of Bukhara was determined - their way of life, the economy, their contribution to development shows the features of the national economy of the oasis.*

**Key words:** *resettlement and relocation, valley, oasis, cotton growing, population, plan, economy.*

Большевикларнинг Ўрта Осиё республикаларида мавжуд бўлган бой табиий ресурслардан фойдаланиш мақсади уларнинг ҳокимиятга келган илк даврданоқ яққол кўзга ташлана бошлади. Хусусан, Ўзбекистон пахтаси уларга тинчлик бермас, келажакда республикани марказ эҳтиёжлари учун зарур бўлган, пахта хом ашёси билан таъминлашга мўлжалланган баъзага айлантириш каби кўп йиллик истиқболли планни илгари суришга ундади.

20-30 йилларда анъанавий қишлоқ хўжалик укладини социалистик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тизимига интеграция қилиш учун амалаий ҳаракатлар бошланди. Булар орасида ер-сув ислоҳоти ва коллективлаштириш тадбирлари улкан мақсадлар деб очаси сифатида амалиётга татбиқ этилди. Аммо, дастлабки саъйи - ҳаракатлар бир қатор қутилмаган мауммоларни юзага келтиради. Жумладан, республика ҳудудида ишчи кучи ҳамда ер ресурслари нотекис жойлашганлиги, сув манбалари ҳамда ирригация тизимлари ўта ибтидоий эканлиги, асосий ишлаб чиқариш феодализм - бой элементлар қўлида тўпланган ва бошқалар.

Юқоридаги муаммоларни бартараф этиш замирида ҳар бир ислоҳот доирасида меҳнат ресурсларини аҳолиси зич жойлашган маъмурий-ҳудудий бирликлардан, меҳнат ресурсларига эҳтиёж юқори бўлган ҳудудларга кўчириш зурурияти қишлоқ хўжалиги миграцияси сиёсатини бошлаб берди. Мазкур сиёсатдан суғориш шахобчалари янгидан ташкил этилаётган, эски тармоқлар тикланаётган ҳамда янги ўзлаштирилаётган ерга ерсиз ва кам ерли деҳқонларни кўчириш мақсад қилинди. Кўчирилишлар область миқёсида амалга оширилиб, галдаги областларо кўчирилишлар учун тайёргарлик ва пойдевор вазифасини бажарди.

1926 йилдан авж олган кўчирилишлар Самарқанд, Фарғона ва Тошкентдан бошланди. Фарғона водийсини донор бўлишига

республика районларидаги ердан фойдаланишда келиб чиққан нотекисликларни тугатиш қарори бўлди. Чунончи, Фарғона водийси аграр зичлигининг юқори эканлиги, ер етишмовчилигининг мавжудлиги, ҳар бир хўжалик 0,5-1,5 гектаргагина ерга эгалиги, бунинг натижасида хўжаликлар зиммасидаги юкламанинг етарли эмаслиги ҳамда ортиқча ишчи кучини мавжудлиги эди [1, – Б. 64]. Аксинча, қуйи Зарафшон воҳасида ҳар бир деҳқон хўжалиги учун тўғри келадиган ер 8-9 гектардан юқорини ташкил этади [2, – Б. 65]. Ушбу рақамларга асосланган советлар водий аҳолисини воҳага кўчиришга киришиб кетадилар.

1928 йилда кўчириш ва жойлаштириш мудирини Владимир Федорович Колотковкина округ ер тузиш бўлимига берган ҳисоботида: “Ер ишлари халқ комиссариати топшириғига биноан Бухоро ва Зарафшон округларига кўчириш мақсадида Наманган, Косонсой ва Янгиқўрғон районларидан 100 та хўжалик сараланди”-деб маълумот беради [1, – Б.63].

Бухоро ер тузиш бўлимида водийдан кўчирилган аҳолини воҳани янги ер ўзлаштирилаётган Жилвон массиви ҳудудига жойлаштириш, кўчирилганлар учун ҳукумат томонидан белгиланган тартибда шарт-шароитлар яратиш масаласини муҳокама қилади. Архив ҳужжатларида кўчирилган аҳолини сони сараланган аҳоли сонига нисбатан кам, яъний 58 хўжалик тарзида берилади [3, – Б.54]. Шубҳасиз, кўчириш ишлари изчиллик билан олиб борилган, сабаби кейинги бир неча йил мобайнида водий аҳолисини воҳага кўчирилиши борасидаги маълумотлар акс этган кўплаб архив ҳужжатлари мавжуд.

Водийликларнинг Бухородаги асосий фаолияти совет ҳукумати манфаатларидан келиб чиқади. Жумладан, янги ўзлаштирилаётган массивларда жойлашган водийликлар асосан ўзлари эга бўлган пахтачилик тажрибаси намунасидаги хўжаликларни ташкил этишга мажбур этилади. Бироқ, Жилвон массивига келган дастлабки чўлқуварлар воҳа табиий-иқлими ва улар учун яратилган шарт-шароитлардан таблари хира тортиб, ўзлари кўчирилган ҳудудларга ёппасига қайтишга уринишадилар [4, – Б.32]. Аммо, советларнинг куч ишлатар органлари томонидан уларнинг қайтишларини таъқиқланган эканлигини яхши англаган захматкаш пахтакорлар ҳеч бўлмаганида водий табиий-иқлим шароитига яқин бўлган, бошқа минтақаларга ўтишга ҳаракат қиланликлари диққатга сазавордир. Кўчирилган жойни руҳсатсиз тарқ этган кўчирилувчи билан бўлган суриштирув жараёнида унинг

Тошкент округига кетгани маълум бўлди. Ундан буни сабаби сўралганида Зарафшонга округига нисбатан Тошкент об-ҳавоси, табиати қулай, аксинча бу ерни тақир, қуруқ тупроғи, ўта иссиқ ҳавоси ҳамда ҳашоратлар чидаб бўлса даражада эканини қайд этади[5, – Б.46].

Водий аҳолисини воҳа шароитларига мослашиши ва пахтачиликни юксалтиришга хизмат қилиш жараёнини тезлаштириш мақсадида ҳар иккала хўжалик тажрибаларини уйғунлаштиришга қарор қилинди. Ҳукумат томонидан кўриладиган ушбу тадбирга мақсадга эришини ягона йўли сифатида катта эътибор билан қаралди. Натижада Шофиркон туман ички хўжаликларидан Жилвон массивида, водийликлардан ташкил топган пахтачилик хўжаликлари таркибини тўлдириш учун аҳолини кўчириш ишлари амалга оширилди[6, – Б.123].

Маҳаллий аҳоли билан кўчирилган аҳоли бир мақсад – пахтачиликни ривожлантиришга йўналтирилди. Дастлаб, водий аҳолисини воҳаликлар томонидан деҳқончиликда қўллаётган иш қуроллари ҳайратга солади. Масалан, уларни кетмонлари воҳа деҳқонлари яқин ёрдамчиси бўлган кетмонларидан тузилиши, ҳажми жиҳатдан кескин фарқ қилгани гувоҳи бўладилар. Ўз навбатида воҳадаги ўзига хосликлар водий деҳқонлари томонидан эътироф этилади [7]. Шофиркон аҳолисини водий аҳолиси билан ҳамкорлиги массивда пахтачилик хўжалигини ривожлантиришнинг муҳим омилига айланди. Кўп асрлик пахтачилик тажрибасига эга водий деҳқонлари ҳамда маҳаллий шарот-шароит сир-асрорларига эга жилвонликлар бирлашиб катта куч бўлди. Кўрилган чоралар натижаси ўлароқ кейинчилик массивда 7 минг га ер ўзлаштирилиб, 5 совхоз ташкил этилди. Табиий – иқлим шароитлари мураккаб бўлгани сабабли, совхозларнинг 4 таси боғдорчилик-узумчилик, 1 таси пахтачиликка ихтисослаштирилди [8, – Б.14].

Айни шу бирта пахтачилик совхози “Фарғона” деб номланган эди. Бу вазият қанчалик мураккаб ва машаққатли бўлишига қарамасдан водий пахтакорлари воҳада улкан мувофақиятга эришганликларидан далолат беради. Шу билан билан бирга водий ҳамда воҳа тажрибаларининг амалда уйғунлашуви натижасида, республика пахтачилигида Бухоро воҳасини мустаҳкам ва ишончли ўрин олиши таъминланди.

Водий пахтакорлари нафақат Жилвон массиви, кейинчалик бутун воҳа бўйлаб, ўз тажрибаларини кенг ёйишга жалб этилади. Бухоро областида XX асрининг 50-60 йиллари олиб борилган оммавий янги ерларни ўзлаштириш жараёнида, кўриқда ташкил

топган бир қатор совхоз номлари эътиборни ўзига тортади. Жумладан, Свердлов район кўриқда ташкил топган, узумчиликка ихтисослашган “Андижон” номидаги совхоз мувофақиятлари таҳсинга лойиқдир. Бу совхозни номи борасида олиб борилган изланишлар, совхоз аҳолиси асосини турк миллатига мансуб бўлган аҳоли ташкил этишини кўрсатди.

Совхоз раиси Хайитбой ака: “Уларнинг узумчилик борасидаги тажрибалари водийда орттириган” дейди [9]. Демак, бу уларнинг водийдан воҳага кўчиб келганликларини англатади. Совхоз узумчилик хўжалиги вилоят халқ хўжалиги юксалишига ўзини муносиб ҳиссасини кўшиши билан бир қаторда, воҳада боғдорчилик-узумчилик тажрибаларини ҳам намоён этиб келди. 80 – йилларда айна шу совхоз тажрибаси намунасида Қоракул туманида Тошкент, Пешку туманида Жилвон, Олот туманида Ветнам узумчилик-боғдорчилик совхозлари ташкил этилди.

Мухтасар қилиб айтганда совет иттифоқи кўчириш сиёсати билан расмий тус олган водий ва воҳа ўртасидаги хўжалик тажриба алмашинуви кейинчалик изчиллик билан давом этади. Дастлаб, мажбурий характерга эга бўлган бу тадбирлар, кейинчалик матонатли ўзбек халқи ҳам фикирлиги, ҳамжиҳатлиги намунаси сифатида ихтиёрий янада ривожланди. Таъбир жоиз бўлса бугунги кунгача ўзаро ҳамкорликдаги фаолият муттасил давом этиб мустаҳкамланиб келмоқда. Зеро, Бухоро вилоят қишлоқ хўжалиги бош бошқармаси томонидан тайёрланган ахборот-таҳлилий маълумотларда[10] 2019 – 2020 йилларда қовун ва тарвуз экилган ер майдонларида асосан водийдан келган малакалий деҳқонлар мўл ҳосил олишга мувофақ бўлгани қайд этилади.

#### **Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:**

1. Ботирова Б. Н. Ўзбекистонда ўтказилган советларнинг аҳолини кўчириш сиёсати (1926-1941 йй). Дисс....тар.фан.номзоди. Тошкент, 2010.
2. Бухоро вилоят давлат архиви 37-фонд, 1-рўйхат, 25-йиғма жилд, 65-варақ.
3. Бухоро вилоят давлат архиви 4-фонд, 1-рўйхат, 85-йиғма жилд, 54-варақ.
4. Бухоро вилоят давлат архиви 37-фонд, 1-рўйхат, 52-йиғма жилд, 32-варақ.
5. Бухоро вилоят давлат архиви 37-фонд, 1-рўйхат, 52-йиғма жилд, 46-варақ.

6. Бухоро вилоят давлат архиви 1184-фонд, 1-рўйхат, 78-йиғма жилд, 123-варақ.

7. Муаллифнинг Исмоил Ҳамроев билан шахсий суҳбати материалларидан. Шофиркон туман Живон узумчилик совхози. 2020 йил 17 май

8. Шураев Владимир. Мырабы Кызылкумов. – Бухара, 2004.

9. Муаллифнинг собиқ Андижон совхози директори Хайитбой Алимов билан суҳбати материалларидан. Жондор туман Лоло маҳалла фуқаролар йиғини Араблар қишлоғи. 2020 йил 15 июнь.

10. Бухоро вилоят қишлоқ хўжалиги бош бошқармаси ҳисоботларидан. 2021 йил.

## **ПАХТА ЯККАНОКИМЛИГИНИНГ FARG’ONA VODIYSI QISHLOQLARIGA TA’SIRI**

**Soliyev Rustamjon Sultonmurodovich,**

Namangan davlat universiteti, Tarix kafedrasi dotsenti,  
tarix fanlari nomzodi

***Annatsiya:** Ushbu maqolada mustamlaka davridan boshlab Farg’ona vodiysi hududlarida paxta ekin maydonlarining kengayishi hamda sovetlar davrida paxta yakkahokimligining kuchayishi natijasida qishloqlarda yangidan-yangi xo’jaliklarning tashkil etilishiga doir ma’lumotlar o’rin olgan.*

***Kalit so’zlar:** Amerika paxtasi, K. P. fon Kaufman, Aleksandr III, pud, uezd, Olmos, volost, bolshevik, Yangi chorva, Stalin, Toymas, Birlik, Lenin, Kirov, kolhoz.*

***Аннотация:** В данной статье содержится информация о создании новых фермерских хозяйств в селах в результате расширения площадей выращивания хлопка в регионах Ферганской долины начиная с колониального периода и усиления хлопковой монополии в советское время.*

***Ключевые слова:** американский хлопок, К. П. фон Кауфман, Александр III, pud, uezd, Olmos, волость, Большевик, Новый скот, Сталин, Тоймас, Единство, Ленин, Киров, колхоз.*

***Abstract:** This article contains information on the establishment of new farms in the villages as a result of the expansion of cotton cultivation areas in the Ferghana Valley regions since the colonial period and the strengthening of the cotton monopoly during the Soviet times.*



6	Muxammadiyev Raxmon Rashidovich. PODSHO ROSSIYASI HUKMRONLIGI DAVRIDA FARG‘ONA VODIYSI AHOLISI VA SHAHARLARI	171
7	Burxanova Mashxura Qozoqjanovna. FARG‘ONA VODIYSIDA DASTLABKI TEMIR YO‘LLAR QURILISHI – DAVR MATBUOTI TALQINIDA	175
8	Воҳидова Комила Абдуллозизовна. ФАРФОНА ВОДИЙСИДА ТАЪЛИМ ВА ЖАДИД МАКТАБЛАРИ	180
9	Ergashev Suxrob Muxiddinovich, Qayumova Nilufar Kuchkarovna. XX ASR BOSHLARIDA MAORIF TIZIMIDAGI O‘ZGARISH	191
10	Rasulov Abdulla Nuritdinovich. FARG‘ONA VILOYATIDA OSHARCHILIKKA QARSHI KURASH (1917-1918- yillar)	197
11	Xasanov Asadullo Olimjon o‘g‘li. “NAMANGAN MA’RIFATPARVARLIK O‘RTOQLIK JAMIYATI” TARIXIDAN	203
12	Алимов Бахтиёр Шавкатович. ТАНИҚЛИ ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ АРБОБИ ИНОМЖОН ХИДИРАЛИЕВНИНГ МАОРИФ СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТИДАН ЛАВҲАЛАР	208
13	Olimova Ra'noxon Rasuljon qizi. CHUST MA’RIFATPARVARLARINING IJTIMOIIY-SIYOSIY VA ADABIY HARAKATLARI	216
14	Boltaboyev Sobirjon Dexqonovich. NAMANGAN UYEZDINING CHUST SHAHRIDAGI MAVLONO LUTFULLO MADRASASI, MASJID VA MOZORLARINING VAQF HUJJATI TARIXI	221
15	Ризаев Бахтиёр Назарбоевич. ВОДИЙДАН ВОҲАГА: СОВЕТ ҲУКУМАТИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МИГРАЦИЯСИ СИЁСАТИНИНГ НАТИЖАЛАРИ	225
16	Soliyev Rustamjon Sultonmurodovich. PAHTA YAKKANOKIMLIGINING FARG‘ONA VODIYSI QISHLOQLARIGA TA’SIRI	230
17	DJALOLOV Вахром DJAMOLOVICH. SOVET HOKIMIYATINING BOLALARNI “ATEISTIK TARBIVIALASH” SOHASIDAGI FAOLIYATI (FARG‘ONA VODIYSI MISOLIDA)	234
18	Жайнаров Обиджон Ҳамид ўғли. XX АСР 20-ЙИЛЛАРИДА ФАРФОНА ВОДИЙСИДА АДВОКАТЛАР ФАОЛИЯТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР	239
19	Умирзакова Малоҳат Рохаталиевна. ФАРФОНА ВИЛОЯТИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА АМАЛГА ЖОРИЙ ЭТИЛГАН СОЛИҚЛАР	245
20	Rahmatova Dilnoza Obidovna. XX ASR 20 – 30-YILLARIDA AYOLLARNI OZOD QILISH KOMPANIYASINING AMALGA OSHIRILISHI VA UNING OQIBATLARI (Farg‘ona vodiysi misolida)	252
21	Юлчибаев Жаҳонгир Шакирович. ИСТОРИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ РАДИОВЕЩАНИЯ НАМАНГАНА	258